



Ҳалол тадбиркорлик фойдалари ва судхўрлик оқибати

Саиджалолов Раҳматуллоҳ

Халқаро ислом академияси магистри

Аннотация: Мақолада тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда ҳалолликка амала қилиш ва судхўрликдан эҳтиёт бўлиш чоралари муҳокама қилинади. Ҳар қандай давлат ва жамиятда фаолият олиб борадиган тадбиркорлик субъектларининг биринчи вазифаси бу ҳалоллик вакцинасига амал қилиш ва фирбгарликдан қочишдир. Мақолада, ушбу вакцинага амала қилиш давлат ва жамият учун нақадар фойдали эканлиги ва судхўрликнинг салбий оқибатлари ҳақида ўқиш мумкин.

Калит сўзлар: Ҳалол тадбиркорлик, ҳалоллик вакцинаси, судхўрлик, ризқ топиш, бизнесдаги имкониятлар, **шартнома, ваъдага вафо.**

Муқаддас динимизда ҳалол касб қилишга тарғиб қилинган бўлиб, танбаллик ва ишёқмаслик каби кишининг ўзига ҳамда жамиятига зарар келтирувчи иллатлардан қайтарилган. Киши бировга мухтож бўлмаслик учун меҳнат қилар экан, ҳам ўзининг инсонлик шарафини ҳимоя қилади, ҳам Яратганнинг амрига итоат этади.

Ҳалол ризқ йўлида қилинадиган саъй-ҳаракатлар учун улкан савоблар ваъда қилинган бўлиб, ҳатто бу нарса фарз даражасига кўтарилгандир. Бу ҳақда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: *“Ҳалол касб қилиш фарздан кейинги фарздир”*.

Соғлом, меҳнатга лаёқатли кишининг ўзи ва аҳли аёли учун касб-кор қилиб мол топиши – асосий фарзлардан кейинги фарздир. Лекин касбу кор ҳам фарз экан деб, асосий ибодатларни четга суриб қўйилмайди. Мусулмон киши зиммасидаги оила



аҳлини таъминотсиз қолдириб, касб-кор қилишни ташлаши ёки тиланчилик йўлига ўтиши мумкин эмас, балки ҳалол меҳнат қилиши керак. Кишининг касби одамларнинг кўзига ҳар қанча ҳақир кўринмасин, Аллоҳ таолонинг наздида мақбул ва севимлидир. Бу ҳақда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қиладилар: **“Бирортангиз арқонини олиб тоққа бориши, у ердан бир боғ ўтинни орқалаб келиб, (одамларга) сотиши ва Аллоҳ шу (касб) сабабли уни тиланчиликдан асраши, унинг одамлардан тиланиши улар ё бериб, ё бермасликларидан яхшироқдир”**.

Бир тоифа одамлар касб-кор қилишда нуқсонга йўл қўядилар ва ҳалолми-ҳаромми ажратиб ўтирмайдилар. Ҳаромнинг гуноҳини елкаларига олишлари билан бирга касбларининг баракаси кетади. Энг ёмони ҳаромдан ўсган гўшт кишини дўзахга етаклайди.

Мусудмон киши ҳалол ризқ топиш ҳаракатида бўлганда, Аллоҳнинг амрига мувофиқ амал қилиши билан бирга Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг кўрсатмаларига ҳам амал қилаётган шахс ҳисобланади. Зеро, бу ҳақида шундай марҳамат қилинган: *“Киши ўз қўл меҳнати билан топганидан кўра яхшироқ ва покizarоқ таом емайди”*.

Аллоҳга шукрлар бўлсинки, ҳозирги пайтда ҳукуматимиз томонидан тадбиркорларимизга жуда кўп имкониятлар яратилмоқда. Мана шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, ҳалол ризқ талабида бўлсак, ўзимиз ва ўзгаларни фаровон ҳаёт кечиришлари ҳамда мусулмон кишини иш билан таъминлаш ва уни ҳожатини чиқаришга сабабчи бўламиз, иншааллоҳ. Чунки, мусулмон биродарининг қалбига хурсанчилик киргизиш Аллоҳнинг наздидаги энг афзал ва суюкли амалдир. Бу ҳақда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар: **“Аллоҳга энг севимли банда одамларга кўпроқ манфаати тегадиганидир. Аллоҳ таолога энг маҳбуб амал мусулмоннинг қалбига хурсандчилик киргизишингиз, ундан ғам ташвишларини аритишингиз, зиммасидаги қарзини узиб беришингиз, очлигини кетказишингиздир. Мусулмон**



биродаримнинг ҳожатини чиқариш йўлида юришим Масжидун Набавийда бир ой эътикоф ўтиришимдан яхшироқдир. Ким ўч олишга қодир бўла туриб ғазабини ютса, Аллоҳ унинг қалбини қиёмат кунида ўзининг розилиги билан тўлдиради. Ким биродарининг ҳожати билан юриб, уни раво қилса, Аллоҳ қадамлар тоядиган кунда унинг қадамларини собит қилиб қўяди”.

Мазкур ҳадисдан, модомики банда биродарининг ёрдамида бўлар экан, Аллоҳ таоло унинг ёрдамида эканлиги маълум бўлади. Демак, Аллоҳ таоло кимни муслмонларнинг ҳожатларини чиқаришга муяссар қилган бўлса, бу у киши учун катта бахт ва улкан шарафдир.

Шундай экан, бировга ёрдамимиз тегишидан хурсанд бўлишимиз ва мана шундай мартабани берган Аллоҳга доимо ҳамд айтиб, бу эзгу ишда пешқадам ва бардавом бўлишимиз керак. Бу ҳақда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: **“Модомики киши биродарини ёрдамида экан, Аллоҳ уни ёрдамидадир”.**

Афсуски, бугунги кунимизда баъзилар томонидан содир бўлаётган **тош-тарозудан уриб қолиш, шартнома ва ваъдага вафо қилмаслик, шубҳали ёки сифатсиз (халққа зарарли) маҳсулотларни сотиш, хизматни сифатли бажаришга аҳдлашиб, аҳдини бажармаслик, халққа зарур бўлган озиқ-овқат ва дори-дармонларнинг нархини асоссиз, сунъий равишда қиммат қилиш каби ишлар шариат чегарасидан чиқиш ва Аллоҳни ғазабига дучор бўлишдир.** Ваҳоланки, Аллоҳ таоло саховатли, мард ва ўзгаларга фойдаси тегадиган кишиларни севади. Киши халққа фойда келтира олмаётган бўлса, ҳеч бўлмаса, зарари тегмай туришининг ўзи ҳам катта ёрдам! Мана шунинг ўзи тақво бўлади. Бугунги кунимизда кўпчилик диндорлик, тақводорликни намоз, рўза, ҳаж билан ўлчайди. Юқоридаги ибодатлар тақвонинг асоси бўлса ҳам, баъзи одамлар назардан қочириётган бир нуқта бор. Бу – банданинг ҳаққидан ҳазар қилмаслик. Жумага чиқади, лекин тош-тарозудан уради, рўзани тутайди, аммо шартнома ва ваъдага вафо қилмайди. Закотни беради, бироқ



имкон бўлиб қолса, шубҳали ёки сифатсиз (халққа зарарли) маҳсулотларни ҳам сотаверади. Хизматни сифатли бажаришга ахдлашади, лекин ваъдасини бажармайди. Шунинг учун ҳам Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳга тақво ҳақида бирорта китоб ёзиб беринг дейилганда: “Ана савдо-сотик ҳақида китоб ёзиб қўйибман-ку!”, – деган эканлар. Демак, кишининг тақвоси олди-берди қилаётганда, бандалар олдидаги ўзининг бурчларини ўтаётганда билинади.

Кейинги пайтларда турли хил халқ эҳтиёжи маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи фирмалар ичида маҳсулотига машхурроқ фирманинг эмблема (савдо белги)сини қўйиб сотиш кўпайиб қолди. Масалан, бир фирма янги кир ювиш кукунини кашф қилди, дейлик. Бу ишга кўп маблағ ва вақт сарфлаган. Кукунга керакли моддаларни меъёрида қўшган. Ўзига яраша мижоз ҳам орттирган. Шу пайтда бир қаллоб чиқиб, машхур фирманинг номидан қалбаки, арзон маҳсулот чиқара бошлайди. Кўпчилик бунинг фарқига бормайди. Энг ёмони қалбаки маҳсулотлар таркибида меъёрдаги моддалар бўлмагани учун улар соғлиқ учун ҳам зарарли бўлади. Мана шундай пул топаётганлар “менинг топганим ҳалол” дея олармикан?! Китоб чиқарадиган ва унинг савдоси билан шуғулланадиганлар ичида муаллифлик ҳуқуқини поймол қилиш ҳам бор. Бир киши йиллаб меҳнат қилган нарсани бир неча кунда ўзиники қилиб нашр қилиб чиқарса, топган пули ҳалол бўладими?!

Кейинги пайтларда турли хил халқ эҳтиёжи маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи фирмалар ичида маҳсулотига машхурроқ фирманинг эмблема (савдо белги)сини қўйиб сотиш кўпайиб қолди. Масалан, бир фирма янги кир ювиш кукунини кашф қилди, дейлик. Бу ишга кўп маблағ ва вақт сарфлаган. Кукунга керакли моддаларни меъёрида қўшган. Ўзига яраша мижоз ҳам орттирган. Шу пайтда бир қаллоб чиқиб, машхур фирманинг номидан қалбаки, арзон маҳсулот чиқара бошлайди. Кўпчилик бунинг фарқига бормайди. Энг ёмони қалбаки маҳсулотлар таркибида меъёрдаги моддалар бўлмагани учун улар соғлиқ учун ҳам зарарли бўлади. Мана шундай пул топаётганлар “менинг топганим ҳалол” дея олармикан?!



Муқаддас манбааларда шундай дейилган: Одамларга бир замон келурки унда киши молни нимадан олганига парво ҳам қилмайди: ҳалолданми, ҳаромданми дедилар.

Ушбу ҳадиси шариф Пайғамбаримиз с а в нинг оғизларидан чиққан пайтда кўпчилик мусулмонлар молни ҳалол-ҳаромига қарамай олиш деган нарсани умуман ҳаёлларига ҳам келтира олмас эдилар. Чунки мусулмонман деган одам фақат ҳалол нарсани олиши, ҳаромдан ҳазар қилиши уларнинг фикри-зикри, бутун вужудига сингиб кетгагн эди. Аммо асрлар ўтиб кишилар охир-оқибат ҳалол билан ҳаромни фарқ қилмайдиган ҳолатга етдилар. Кишилар ҳалолни қўйиб ҳаромга ўзини урадиган бўлишди. Молу дунё тўплаш йўлида ҳар қандай ҳаромдан, жирканчликдан, пасткашликдан тап тортмайдиган бўлишди.

Шунинг учун биз ниятимизни тўғри қилиб, Аллоҳ таолодан сўраб ҳалол касбу-хунар қилсак, берган ризқига шукрона қилсак, иншоаллоҳ, турмушимиз янада фаровон, юртимиз тинч, Осмонимиз мусаффо бўлади.

Шу ўринда рибо ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтсак. «Рибо» луғатда «зиёда» деган маънони англатади. Шариатда эса қарз берувчи қарздордан маълум вақт муқобилига асл мол устига оладиган қўшимча маблағдир.

Рибо, яъни судхўрлик бечораларнинг ночорлигидан фойдаланиб, уларнинг меҳнати эвазига бойлик орттиришдан иборатдир. Бир инсон ночор бўлиб, иш юритишга, оила тебратиб, бола-чақа боқишга сармояси қолмай, пулдор кишининг олдида ҳожатини айтиб борса, унга садақа ёки яхши қарз бериш ўрнига судхўрлик юзасидан муомала қилади. Яъни «Мен сенга маълум муддатга, маълум миқдор пул бераман. Сен бу пулни бунча фоизга кўпайтириб берасан», дейди. Агар тайинланган муддатдан кеч қолса, яна устига фоиз қўшилади ва ҳоказо.

Шундай қилиб, бир тоифа одамлар бошқаларнинг ночор ҳолидан меҳнатсиз бойлик орттириш учун фойдаланадилар. Рибохўрлик бор жамиятда ноҳақлик,



иқтисодий зулм авжига чиқади. Оқибатда мол-мулк бир гуруҳ судхўрларнинг қўлига ўтиб қолиб, жамият уларнинг хоҳишига биноан яшашга мажбур бўлади.

Ислом жоҳилиятдаги номаъкул ишлардан ҳеч бирига қарши рибога қарши ўт очгандек ўт очмаган. Қуръони каримда бу ҳақда бир қанча оятлар келган: **«Рибони ейдиганлар (қабрларидан) фақат шайтон уриб, жинни бўлган кишидек турарлар. Бу уларнинг «Тижорат ҳам рибога ўхшаш-да», деганлари учундир. Ҳолбуки, Аллоҳ тижоратни ҳалол қилган, рибони эса ҳаром қилган. Бас, кимки Роббидан мавъиза келганда тўхтаса, аввал ўтгани ўзи-га ва унинг иши Аллоҳга ҳаволадир. Кимки яна (рибога) қайтса, ана ўшалар олов соҳибларидир. Улар унда мангу қолувчидирлар» (275-оят).**

Рибонинг нақадар ёмон нарса эканини кишилар онгига аввалдан яхшилаб сингдириш мақсадида ояти карима судхўрнинг қиёматдаги ҳолини баён қилиш билан бошланмоқда. Қиёматдаги ҳар бир одамнинг сиртки ҳолидан иши қандай экани билиб олинади.

Худди ўша куни одамлар қабрларидан тураётганларида судхўрлар, албатта ўзларига хос бир ҳолатда турар эканлар. Уларни ҳеч ким танитмаса ҳам, қабрдан туришларини кўрганлар яхши таниб, «Анавилар судхўрлар», дер экан.

Уларнинг бу ҳолини ояти карима қуйидагича васф қилади: **«Рибони ейдиганлар (қабрларидан) фақат шайтон уриб, жинни бўлган кишидек турарлар».** Яъни, уларнинг ўзларини тутишлари соғ-саломат, ақлли кишилар каби бўлмайди.

Одатда жин уриб, ақлдан озган кишилар тартибсиз ва нотўғри ҳаракат қиладилар. Довдираб, ўзини ҳар тарафга уриб, уят ишларни ҳам қилаверадилар. Судхўрларда ҳам ана шу ҳолат бўлар экан. Баъзи тафсирчиларимиз «Судхўрларнинг бу ҳолатлари фақат қиёмат кунига боғлиқ эмас, балки бу дунёда ҳам шундай бўлади», деганлар. Уларнинг бундай аянчли ҳолатга тушишларининг сабаби келгуси жумлада баён қилинади:



«Бу уларнинг «Тижорат ҳам рибога ўхшаш-да», деганлари учундир». Судхўрлар рибони ҳалол деб эътиқод қиладилар ва уни тижоратга ўхшатадилар. Улар тижоратда молиявий муомала ортидан фойда келганидек, судхўрликда ҳам фойда келади, деб ўйлайдилар. Боз устига, уларнинг «Тижорат ҳам рибога ўхшаш-да», дейишларидан рибо аслида ҳалол қилинган нарса, тижорат ҳам унга ўхшаб ҳалол қилинган, деган маъно келиб чиқмоқда. Ваҳоланки, **«Аллоҳ тижоратни ҳалол қилган, рибони эса ҳаром қилган».**

Чунки тижоратда фойда кўришнинг ҳам, қуйиб қолишнинг ҳам эҳтимоли бор. Тижоратда инсоннинг меҳнати, маҳорати, атрофдаги табиий ҳолатларнинг фойда ёки зарар кўришга таъсири бор. Савдогар фойда кўришга умид қилиш билан бир вақтда қуйиб қолишни ҳам бўйнига олган ҳолда иш бошлайди. Меҳнат қилиб, одамларга керакли молларни олиб келади, сақлайди ва бошқа хизматларни қилади.

Судхўр-чи? У ҳеч нарса қилмай, жойида ўтиради. Нима бўлишидан қатъи назар, фойда олиши муқаррар. Қуйиб қолиш хавфи йўқ. Мазкур сабабларга ва яна зикр қилинмаган бошқа сабабларга кўра, инсон ҳаётида тижоратни қўллаш ҳалол, судхўрлик эса ҳаром қилинган.

Ушбу ояти карималар нозил бўлаётган пайтда кўпгина молиявий муомалалар рибо асосида юритилар эди. Шунинг учун ушбу ояти каримадан келиб чиққан ҳукм кучга киргач, бундан аввалги савдо ишлари ўз ҳолича қолдирилди. Акс ҳолда аввалги иқтисодий алоқаларнинг ҳаммасини қайта кўриб чиқишга тўғри келарди. **«Бас, кимки Роббидан мавъиза келганда тўхтаса, аввал ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳга ҳаволадир».**

Яъни Аллоҳ рибонинг ҳукмини баён қилганидан кейин рибовий муомалалардан тўхтаса, эски ишлари ўзига, у муомалаларни қайта кўришга ҳожат йўқ. Ўтган даврдаги муомалалар Аллоҳга ҳавола: хоҳласа, кечиб юборади, хоҳласа, иқобига олади.



«Кимки яна (рибога) қайтса, ана ўшалар олов соҳибларидир. Улар унда мангу қолувчидирлар».

– Албатта, тижоратнинг одоби бор. Аллоҳ субҳанаҳу таоло Мулк сурасида марҳамат қилади: «Аллоҳ таоло шундай зотки, сизларга ерни бўйсундириб қўйди, унинг исталган жойида юриб, ризқ изланглар. Лекин, унутмангларки, қайтиш Аллоҳнинг ҳузуригадир».

Демак, биз ризқ талабида бўламиз ва уни ҳалол йўл билан талаб қилишга буюрилганмиз. Энди банда тижорат қилиб, зироат, саноат, деҳқончилик, боғдорчилик ёки чорвачилик билан ҳалол ризқ талабида бўлади.

Банданинг ризқи кеч қолиши мумкин, лекин адашиб кетмайди. Бировнинг ризқи бошқа бировга ўтиб кетмайди. Ўша ризқ келиши бандани ҳаромдан топишга етакламаслиги керак. Бугун шу нарса рўй бермоқда. Ҳалол ризқини озгина нотўғри тушунча билан, қаноатсизлик, инсофсизлик билан ҳаромга айлантириб қўйиш кўзга ташланмоқда айрим савдогарлар мисолида.

– Қоидаларнинг яна бири шуки, савдогар одам, юқорида айтганимиздек, тижорат илмининг аҳкомини ўргансин. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу: «Бизнинг бозоримизда тижорат илмини билмаганлар савдо қилмасин», деганлар.

У зот халифалик вақтларида бозорда шундай бир ишни йўлга қўйган эдиларки, маълум бир гуруҳ аъзолари савдогарларни савдо илмини билиши ёки билмаслигидан имтиҳон қиларди. Агар, савдо илмини билмаса, у савдогар ўрганиб келиши учун бозордан чиқариб юбориларди.

Бу нима учун ташкил қилинган? Инсонга зарар етказмаслик учун, бировга қимматга сотиб қўймаслиги учун, бировнинг молини кўпроқ сотиб олмаслиги учун ташкил этилган.

– Имом Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг шогирдлари Имом Муҳаммаддан сўраган эканлар: «Тақво ҳақида бирор нарса ёзмайсизми?» Шунда у



киши, «Ёзиб қўйганман-ку», дедилар. «Қаерда ёзганингиз?» «Ана ўқинглар, Китоби Бай – Савдо китобини ёзиб қўйганман-ку», дедилар.

Яъни савдо китобини ёзиб қўйганман, ҳаммаси тақвога асосланган, демоқчи бўляптилар. Бу китобни ўқисангиз, савдода биринчи қўйиладиган талаб – шаффофлик, аниқлик эканига эътибор қиласиз.

Ширкат бўладиган бўлса, ҳамма томон аниқ бўлиши, яширилган нарса бўлмаслиги, очиқ-ойдин бўлиши керак. Нима учун деса, ўртага адоват тушиб қолмаслиги, шериклар уришиб қолмаслиги, жанжал келиб чиқмаслиги учун, дейилади.

Савдо китобини ўқиганимизда, нафақат тақво китоби эканига, балки Ислом дини қанчалик тинчлик дини эканига ҳам амин бўламиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тултеев ва бошқ.; проф. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. — Т.: «Шарқ», 2009. — 592 б

Китоблар ва монографиялар

1. Бекмирзаев И.И. Бурҳонуддин Маҳмуд ал-Бухорий ва Мовароуннаҳр қозилиги. - Тошкент: “Таълим нашриёти”, 2011. – 200 б.
2. Жузжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Марказий Осиё фақиҳлари. - Тошкент: “Тошкент ислом университети”, 2002. - 256 б.
3. Зуннунов А. О‘збек педагогикаси тарихи. — Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 528 б.

Веб сайтлар

1. <http://fikr.uz/posts/13197.html>
2. <http://lex.uz/content/view/1309/111/>
3. <http://matriarhat-v-sssr.narod.ru/matriarhat-v-SSSR.htm>
4. <http://www.islom.uz>